



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 49 (13.896)

Баҳоси эркин нарҳда

ТАШРИФ ДОИРАСИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР ИККИ МАМЛАКАТ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилётган самарали ташқи сиёсат натижасида Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи юксалиб, барча давлатлар билан муносабатлари янада мустаҳкамланмоқда. Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи давомида яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Давлатнинг мактеби, халқаро майдондаги ўрни унинг ҳудуди ва нуфуси билан ўлчанмайди. Мамлакат довергунини унинг иқтисодий қудрати билан ҳам дунёга таратиши мумкин. Биргина Сингапур мисолида бу фикрнинг яққол тасдиғини кўрамиз, лекин Бирлашган Араб Амирликлари ҳам ана шундай асосли фикрнинг ёрқин мисоли бўла олади.

Дубай амирлиги мисолида оладиган бўлсак, у ҳам қисқа муддатда Сингапур каби дунёнинг молиявий, инвестициявий ва бизнес марказига айланди. Ҳеч бир мамлакатда "Ferrari" русумли автомобиль киши бошига ҳисоблаганда амирликка тенг келолмайди. Ёки бир кунда қабул қиладиган самолёт ва йўловчилар сонига кўра дунёда Дубай аэропортига тенг келадигани кам. Сайёҳлар энг кўп боришни орзу қиладиган жойлардан бири ҳам мана шу амирликдир. Шахсий бизнесини очмоқчи бўлганлар Дубайга борса, истаган миқдорда ўз манфаатига мос кредит олиши, инвестиция киритмоқчи бўлганлар бу ерга ҳеч қандай хавотирсиз кириб келиши мумкин. Биргина "Бурж Халифа" минорасининг ўзи қанча гапдан дарак беради.

Абу-Даби деганда фақат Амирликлар пойтахти эмас, балки араб дунёсида жуда катта нуфузга эга, ўзига хос маданият, спорт ва бизнес маркази назарда тутилади. Бу гўзал шаҳар ўзининг меҳмондўстлиги, бетакрор меъморий ечимга эга иншоотлари, саҳрода жойлашганига қарама-қарши доим яшиллик барқ уриб, тоза ва наммуш ҳаво эсиб турадиган иклими билан танилган.

Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликларини кўп асрлик тарихий-маданий, иқтисодий ришталар боғлаб туради. Мустақиллик йилларида икки мамлакат муносабатлари қатор соҳаларда жадал ривожланди.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Жумладан, ушбу мамлакат делегацияларининг ташрифлари чоғида Амирликлар инвесторларини истиқболли лойиҳаларга кенг жалб этиш, нефть-газ, кимё, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, логистика, туризм, шаҳарсозлик ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича самарали музокаралар олиб борилди.

Президентимизнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қиладди.

Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида 25 март кунини Абу-Даби шаҳридаги шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён макбараси ва масжидини зиёрат қилди, "Воҳат ал-Карома" ёдгорлигига гулчамбар қўйди.

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён билан учрашувда ижтимоий хавфсизликни таъминлаш соҳасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, бу борада ўзаро тажриба алмашиш, делегациялар ташрифини ташкил этиш юзасидан келишувларга эришилди.

Абу-Даби шаҳридаги "Қаср ал-Ватан" саройида Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари расмий делегацияларининг кенг ва тор доирадаги музокаралари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси билан БАА ўртасида инвестициялар, молия, мўқобил энергетика, саноат ва инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, божхона маъмуриятчилиги, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик бўйича умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ бўлган келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи доирасида 26 март кунини Дубай шаҳрида БАА вице-президенти, Бош вазири, Дубай амираи шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан музокара ўтказди.

Амирликларнинг йирик шаҳри Дубай инсоният илмий-техник тараққиётининг энг илғор ютуқларини ўзига муҷассам этган. Масалан, дунёнинг саккизинчи мўъжизаси, деб эътироф этилаётган Palm Islands суний ороллари инсон қўли билан яратилган энг йирик архипелаг бўлиб, ўзининг миқёси ва кўркамлиги билан ҳайратга солади. Бу ерда муҳташам меҳмонхоналар жойлашган. Сайёрамиздаги энг баланд осмон-улар бино – "Бурж Халифа" эса 11 кўрсаткич бўйича Гиннесснинг рекордлар китобига кирган.

Дубайда дунёдаги энг узун автоматлаштирилган метро тизими ва усти ёпиқ пиёдалар ўтиш йўлаги мавжуд. Саҳрода жойлашганига қарамай, шаҳарда жаҳоннинг энг йирик гуллар боғи барпо этилган. Бу ердаги пляжлар энг тоза деб тан олинган. Шаҳарга бир йилда ўртача 16 миллион киши ташрифи буюриши бежиз эмас. Дубай бошқа соҳа ва йўналишларда ҳам кўплаб рекордларни забт этган.

Буларнинг барчаси очкилик ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш сиёсати туфайлидир. Ду-

байнинг жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётига кўп жиҳатдан шаҳар ва амирлик ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг гоёяри кучли туртки бўлди.

Ўзбекистон ҳам дунёга очилмоқда. Мамлакатимиз жадал ва изчил ривожланиш йўлидан бормоқда, бу жараёнда жаҳон тажрибасини ўрганиш, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан инновацион, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва бошқа соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш муҳим ўрин тутди.

Кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан "Заабил" саройида бўлиб ўтган учрашувининг асосий мавзуси бўлди.

БАА вице-президенти, Бош вазири давлатимиз раҳбарини самимий қутлаб, Абу-Дабида мамлакатларимиз ўртасида эришилган келишувлардан мамнуният билдирди. Дубай амираи ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйган БАА Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев меҳмондўстлик ва истиқболли кўшма лойиҳалар қўллаб-қувватлангани учун самимий миннатдорлик билдирди ҳамда Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликлари, жумладан, Дубай амирлиги билан дўстликка асосланган муносабатларни мустаҳкамлашга тайёр эканини қайд этди.

Ўзаро ишонч руҳида ўтган суҳбатда қатор соҳаларда шериклик ва тажриба алмашишни кенгайтириш йўллари, турли даражаларда янги алоқалар ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралардан сўнг имзоланган ҳужжатларни алмашиш маросими бўлди. Қўшма инвестицион компания ташкил этиш тўғрисида шартнома, Самарқанд шаҳри инфратузилмасини модернизация қилиш ва замонавий агрокластер ташкил этиш тўғрисида битимлар, қишлоқ хўжалиги ва логистика соҳаларида ҳамкорлик бўйича икки томонлама ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи, унинг доирасида имзоланган келишувлар мамлакатларимиз муносабатларида янги саҳифа очди. Томонларнинг ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга интилиши ва эришилган келишувларни қўллаб-қувватлаш бўйича яқдил фикрга келгани мамлакатларимиз манфаатига хизмат қиладди.

ЎЗА



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон давлат тиббиёт институтида "Innowek.Uz" ярмаркаси бўлиб ўтди. Кўргазмада институтнинг 52 та кафедраси томонидан 4 йўналиш бўйича тақдим этилган 60 дан ортиқ инновацион гоёя, технология, илмий ишланма, лойиҳа ва ихтиролар тақдимоти ўтказилди. Уларни қўллаб-қувватлаш, амалиётга татбиқ этиш орқали тиббиёт мутахассислари тайёрлаш сифатини яхшилаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш борасидаги имкониятлар янада кенгайди.

• Шахрисабз шаҳрида II Халқаро либослар фестивали бўлиб ўтди. Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан Наврўз умумхалқ байрамида ташкил этилган мазкур тадбирда МДХ мамлакатларининг таниқли дизайнер ва модельерлари ўз коллекциялари билан қатнашди. Дизайнерлар ишлари юртимиз ва хорижлик экспертлар томонидан баҳолалиб, энг сара коллекциялар муаллифлари муносиб тақдирланди.

• Кўқон шаҳридаги Фурқат боғида суви тежаш технологиялари ёрдамида дарахт экиш маросими – Экомарафон очилди. Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган "UzWaterAware" лойиҳаси доирасида ташкил этилган ушбу тадбир қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишда тежамкор технологияларни кенг қўллаш мақсадида ташкил этилган.

• Навоий вилояти Хотин-қизлар кўмитаси ҳузурда ташкил этилган Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази Кармана туманидаги "Ширин диёр" мажмуаси таркибида иш бошлади.

ЖАҲОНДА

• Буюк Британия парламенти мамлакатнинг Европа Иттифоқи таркибидан чиқиши, яъни Брексит жараёнини ўз назоратига олди. Парламентнинг куйи палатаси кўпчилик овози билан дебатларнинг тартибини ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилди.

• Голландиядаги Йохан Круифф номидаги стадионда футбол бўйича 2020 йили ўтказиладиган Европа чемпионати рамзининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

• Эрон жанубида рўй берган кучли сув тошқинлари ўн етти кишининг ҳаётига зомин бўлди, ўлтиз беш нафар одам турли даражадаги тан жароҳатлари олиб касалхоналарга ётқизилди. Табиий офат натижасида қадимий Шероз шаҳри кўчаларини сув босди, эллик олти минг киши ўз уй-жойларини тарк этишга мажбур бўлди.

ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИДА ИЛК БОР ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАР СОТУВГА ҚЎЙИЛДИ

"Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси" акциядорлик жамиятида қимматбаҳо металллар бўйича илк битимлар амалга оширилди. Масалан, фақат 2019 йилнинг 18 мартдан 20 мартгача ўтган биржа савдоларида умумий қиймати 192,6 миллион сўмлик 46,5 килограмм қумуш сотилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси" акциядорлик жамияти биржа савдоларида қимматбаҳо металлларни сотиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, маҳаллий товар-хом ашё биржасида қимматбаҳо металлларни сотиш йўлга қўйилди.

"Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси" акциядорлик жамиятидан олинган маълумотларга кўра, ўтказилган савдо якунларига кўра, қумушнинг бир ҳафталик биржа котировкаси 1 грамм учун 4 142,56 сўмни ташкил қилди. Таъкидлаш жоизки, биржа савдоларида қимматбаҳо металлларни қайта ишлаш бўйича қувватларга эга бўлган саноат мақсадлари учун мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ҳамда заргарлик ва бошқа буюмларни ишлаб чиқарувчилар иштирок этди.

Ҳозирги кунда ички биржа бозорига қимматбаҳо металлларни сотиш учун икки шартнома мавжуд. Хусусан, биржа котировка ва-раига қумуш кўймасининг 500 грамм лотлик Ag-1 маркази ва олтин кўймасининг 500 граммлик Au-1 маркази учун шартномалар киритилган.

Айни пайтда кундалик биржа савдоларида 15,5 минг грамм қумуш ва 2,6 минг грамм олтин кўйилмоқда. Бунда қимматбаҳо металлларнинг бошланғич нархи Лондон қимматбаҳо металллар бозори уюшмасининг сўнги фиксинига асосан Ўзбекистон миллий валюта-сидида белгиланади. Биржа савдоларида иштирок этиш учун сотувчи ва харидорлар томонидан биржанинг Ҳисоб-клиринг палатасига киритиладиган бунак миқдори биржа битими эҳтимолий суммасининг 1 фоизини ташкил этади.

Заргарлик ва бошқа буюмларни ишлаб чиқарувчилар биржа савдоларида иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузурдаги Қимматбаҳо металллар агентлиги томонидан берилладиган қимматбаҳо металл ва тошлардан заргарлик ҳамда бошқа буюмларни ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни тақдим этишлари зарур.

Роман БОНДАРЧУК

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЭНГ ФАОЛ ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

"Туркистон" санъат саройида "Ички ишлар органларининг намунали таянч пунктлари" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, танловнинг дастлабки босқичларида голиб бўлган ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари, фидойи секторлар раҳбарлари иштирок этди.

Тадбир аввалида санъат саройида маҳаллаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, хунармандлик, каштачилик, косибчилик каби қадимий хунарларни бугун давом эттираётган қўли гул устлар меҳнати намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Н.Йўлдошев, ички ишлар вазири П.Бобожонов ва бошқалар мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни асраш мақсадида барча зарур чоралар кўрилатганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ички ишлар органлари ходимлари зиммасига нафақат жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, балки уларнинг олдини олиш, ҳар бир маҳаллани жиноддан холи ҳудудга айлантириш бўйича масъулиятли вазифалар юклаган. Зеро, бу халқимизнинг хотиржам яшashi, орзу ниятларига етишиш йўлида самарали меҳнат қилишининг зарур шартидир.

Аҳоли билан бевосита иш олиб борувчи профилактика хизмати учун зарур шарт-шароитлар яратилган, – дейди Ички ишлар вазириги Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғи Абдувоҳид Исмоилов. – Ходимлар билими ва касб тайёргарлигини ошириш, улар учун муносиб иш шароити яратиш, ўз вазифаларини бажариш натижадорлиги учун моддий рағбатлантиришининг таъ-

сирчан механизми жорий этилди. Улар бевосита ўзларига бириктирилган ҳудудда хизмат турар жойи, хизмат автомобиллари билан таъминланди. Профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари лавозими жорий этилди. Бу эса юртимизда барқарорликни таъминлаш, тинчлик ва хавфсизликни ҳимоя қилишда соҳа ходимларининг масъулиятини оширади.

2018 йилда маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда олиб борилган кенг қўламли профилактик тадбирлар натижасида 2 минг 301 маҳаллада, жорий йилнинг дастлабки икки ойида эса 84 фоиз маҳаллада бирорта ҳам жиноят қайд этилмади.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАПДА

• "Тошкент метрополитени" унитар корхонаси томонидан метро бекатларида бепул, тезлиги 512 Кбит/с бўлган Wi-Fi ўрнатилди.

• Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Замонавий ўзбек ва Озарбайжон шеърлати: таҳлил ва таққос" мавзуда ижодий учрашув ташкил қилинди.

• "Пойтахт" бизнес марказида ўтказилган давра суҳбати "Хотин-қизлар учун муносиб ва барқарор иш ўринлари яратиш устувор вазифа" мавзусига бағишланди.

• Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси раҳбарларининг навбатдаги сайёр қабули Чилонзор туманида ўтказилди.

• Тошкент Халқаро Вестминстер университетида NEXT-GEN лабораторияси очилди.

Яқин-яқингача фуқароларнинг республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлиги таъминланмаган эди. Чунки Ўзбекистон фуқаролари қўшни давлат ҳудудига ўтиб автобусда узоқ йўлга чиқишарди.

ҚУЛАЙ, ШИНАМ ВА ХАВФСИЗ АВТОБУСЛАР

Мамлакатимизда меҳнат миграцияси жараёнини тартибга солиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чет элдаги Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган давлатлараро ҳужжатлар имзоланмоқда. Бироқ бунча республикаларга меҳнат қилиш учун кетаётган аҳолининг аксарияти қисми ўз ҳаёти ва соғлиғини хатарга қўйиб турли йўللار билан манзилига етиб олишга интилмақда. Бунинг оқибатида эса аянчли воқеалар содир бўлмоқда.

Эсингизда бўлса, 2018 йил Ақтўбе вилоятининг Иргиз туманида "Икарус" автобуси ёниб кетди. Автобус саломида бўлган 52 нафар ўзбек фожиа қурбонига айланди.

Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида эндиликда мамлакатимиз ҳудудидан бошқа давлатларга ишончли, хавфсиз, арзон автобуслар қатнови йўлга қўйилди.

Бунинг учун юртимизга Хитой Халқ Республикасидан 100 та замонавий автобус олиб келинди. Янги ташкил этилган "Uzautotrans Service" махсус компанияси йўловчиларни ўз вақтида манзилига етказиб қўяди. Йўловчилар Ўзбекистон ва қўшни давлат ҳудудига ўтиш қисмида бохжона постларида навбат кутмасдан тез фурсатларда ўтиб олишади.

Бу Президентимизнинг 2018 йил 5 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлардан бири ҳисобланади.

– Транспорт хизматлари сифатини ошириш аҳолига замонавий хизмат турларини кўрсатишни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди "Uzautotrans Service" махсус компанияси бош директори Саидрахим Икромов – Хорижий давлатларга вақтинчалик ишлаш учун чиқиб кетаётган фуқароларни манзилларига ўз вақтида хавфсиз етказиб қўйишни ташкил этиш мақсадида Хитой Халқ Республикасининг "Zhengzhou Yutong Bus Co. Ltd." компанияси билан 2018 йилда имзоланган шартномага кўра, 168 та кўп ўриндиқли замонавий автобус сотиб олиш бўйича келишувга эришил-

ганди. Улардан 100 таси юртимизга олиб келинди. Қолган 68 таси ҳам тез орада олиб келинади.

Таъкидланишича, компания ташкил этилиши орқали 700 та иш ўрни яратилди. Хусусан, янги автобусларда самарали ишлаш учун махсус танлов асосида 120 нафар ҳайдовчи саралаб олинган. Уларнинг малакаси Транспорт вазирлиги қошидаги "Илим" марказининг махсус ўқув дастури асосида оширилган. Уларга Хитойдан келган мутахассислар хорижий давлатлар ҳудудига ҳаракатланаётганда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида тўлиқ тушунчалар берган.

Бугунга қадар қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари ва Россия Федерацияси шаҳарларига жами 17 та йўналишда мунтазам автобус қатновлари йўлга қўйилган. Эндиликда бу қатновлар сони ортади. Қатновлар нафақат пойтахт Тошкент, балки мамлакатимизнинг бошқа шаҳар ва туманлари марказларидан ҳам йўлга қўйилаётгани аҳолига қулайлик яратади. Бундан ташқар-

ри, туризмни ривожлантириш мақсадида юртимиздаги вилоят ва шаҳарлараро ҳам қатновлар йўлга қўйилади.

Ушбу автобусларда ҳайдовчи ва йўловчилар учун барча қулайлик яратилган. Кондиционер, салондаги иқлим назорати, актив ва пассив хавфсизлик тизимлари шулар жумласидан. Автобус 51 нафар йўловчини ўз бағрига сиғдира олади. Ўриндиқлар юмшоқ бўлиб, ҳар бир йўловчига максимал даражада қулайлик яратилган. Агар зарурат бўлса, ўриндиқларни олд ва орқа томонга силжитиш ҳамда ён томонга ҳам сошлаш мумкин. Автобусларда GPS қирималари ўрнатилган бўлиб, транспортлар корхонанинг марказий диспетчер хизмати назоратида бўлади.

– Автобусда ички ва ташқи томонни суратга олувчи 5 та видеокамера ўрнатилган, – дейди "Uzautotrans Service" махсус компанияси ҳайдовчиси Фулом Рисбеков. – Ҳар бир йўловчи ўриндиғи устида ҳаво дефлектори ва индивидуал ёритиш лампалари мавжуд. Шунингдек, йўловчиларнинг қўл юқларини жойлаштириш учун салоннинг юқори қисмида махсус жойлар ажратилган. Узоқ сафар давомида йўловчиларнинг зерикмаслигини таъминлаш мақсадида автобус саломи юқори классдаги медиатизим ва иккита монитор билан жиҳозланган. Ҳайдовчининг иш жойи – яхши жиҳозланган ўриндиғи эса оғирликка қараб автоматик тарзда соланади ва уч нуктали хавфсизлик камарига эга. Бундан ташқари, зарурат бўлганда ўриндиқнинг баландлиги ва оғиш бурчагини ўзгартириш мумкин.

Хуришд ҚОДИРОВ,
ЎЗА МАХБИРИ

Қарор ва ижро

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИМКОНИЯТИ ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси "Аёллар қаноти" ташаббуси билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти ва унда белгиланган берилган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Қарорга мувофиқ, хотин-қизлар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича таққиларнинг бекор қилиниши эътироф этилди. Шунингдек, айрим ҳолатларда қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парваришlash таътили берилиши, икки ёшга тўлмаган фарзанди бор оналар учун ўзига қулай вақтда танлаш белиги таъкидланди. Аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиниши таққилангани айтиб ўтилди.

– Мазкур ҳужжат билан яна аёллар учун судларда адвокатлар томонидан бепул юридик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ энгилликлар яратилди, – дейди ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Мавлуда Хўжаева. – Шунингдек, янги қарорга кўра, "Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари"нинг ташкил этилиши аёлларнинг ўз бизнесини бошлаши ва уларда ишбилармонлик кўникмаларининг шакллантирилиши, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг самарали механизми сифатида хизмат қилади. Бундай марказлар томонидан ишбилармон аёлларга маҳаллаларда бўш турган бинолардан жой ажратиш, ишончли ҳамкорлар топиш, минитехнологиялар ва ускуналар сотиб олишда кўмаклашишдан тортиб токи ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализация қилинишига кўмаклашиш масалаларининг қамраб олинган опа-сингилларимизда эртанги кунга катта умид ва ишонч уйғотади.

Давра суҳбатида қарорда белгиланган берилган барча устувор вазифаларнинг жойларда ижросини таъминлашда партия "Аёллар қаноти" ва парламентдаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этиши, аynиқса, жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини янада ошириш, турли жабҳаларда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминлашида самарали парламент назоратини олиб бориш, янги ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш борасида аниқ вазифалар белгиланганлиги олинди.

Гулноза БОБОЕВА

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида ҳар кун янгидан-янги ўзгаришлар, янгиликлар рўй бермоқда. Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш йўлида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Жойлардаги фуқароларнинг муносабатларини ўрганиш, муаммоларига ечим топиш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Бундан кўзланган мақсад ҳам аслида инсон манфаатларини таъминлаш, турмушини янада яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси томонидан аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, тизимли равишда жойларда сайёр қабуллар ўтказилиб, уларда ҳамшаҳарларимизни қийнаб келаётган муаммоларга ечим топилмоқда ёки ечим сари йўналтирилмоқда. Ана шундай тадбирларнинг навбатдаги Яшнобод туманида жойлашган Тошкент темир йўл транспорт касб-хунара коллежида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси мудири Т.Муллажонов ҳамда тумanning мутасадди раҳбарлари, "Ўқчи олмазор", "Хосиятчи", "Ширинобод", "Жарқўрғон", Ашрафий, Жўрабек маҳаллаларида истиқомат қилувчи 140 дан ортқ фуқаро билан бевосита суҳбат қирилди. Уларнинг муносабатлари тингланди. Қайд этиш лозимки шу ернинг ўзига 30 нафар фуқаронинг муаммоси бартараф этилди. Қолган муносабатлар эса тегишли тартибда туман Халқ қабулхонаси тизими орқали масъул корхона ва ташкилотларга ижро учун юборилди.

Мутасадди ташкилот вакиллари йиғилганларни қизиқтирган саволларига жавоблар қайтарди.

(Ўз мухбиримиз)



ЭНГ ФАОЛ ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танловда "Энг фаол профилактика инспектори" номинацияси бўйича Навоий вилояти Кармана туманидан Бобомурод Тешаев, "Энг фидойи маҳалла раиси" номинацияси бўйича Тошкент вилояти Тошкент туманидан Ҳикмат Қоплонбеков, "Энг фаол маҳалла посбони" номинациясида Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидан Элёр Шокиров, "Энг фаол ёшлар етакчиси" номинациясида Фарғона академик лицейи етакчиси Гуллола Ҳайдарова, "Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис" номинациясида Андижон шаҳридан Нодира Холмирзаева, "Ибратли хотин-қизлар кўмитаси раиси" номинациясида Самарқанд вилояти Жомбой туманидан Ҳалима Ўсарова, "Адолатли яраштириш комиссияси раиси" номинациясида Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридан Холниса Эргашева голиб, деб топилди.

Танловда ички ишлар органларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосарларидан энг фаоллари аниқланди. Бу борада Тошкент вилоятининг Бўқа туманидан Жамшид Акмалов, Наманган вилояти Чортоқ туманидан Бобур Иномов, Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманидан Дилшод Мирзаев, Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидан Махсетбой Отегенов голибликни қўлга киритди.

"Энг фаол сектор раҳбарлари" номинацияси бўйича эса Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани ҳокими Аъзамхон Баҳромов, Наманган вилояти Мингбулоқ тумани прокурори Мухаммадхон Жўраев, Сурхондарё вилояти Сарисийё тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Фаррух Тоиров, Жиззах шаҳар ҳокими Акбар Шукуров голиб бўлди.

Голиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. "Ички ишлар органлари намунали таянч пунктлари" танловида иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларига ҳам диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Танловда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 378-таянч пункти, Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 49-таянч пункти, Бухоро вилояти Когон тумани 65-таянч пункти, Хоразм вилояти Хива шаҳридаги 43-таянч пункти ҳудудлараро баҳсда биринчи ўрин соҳибларига айланди.

Голибларга диплом ва "Nexia 3" автомобиллари топширилди.

– Бугун профилактика инспекторлари ҳар қанча фидойилик билан ишласа ҳам кам, деб ўйлайман, – дейди танлов голиби Шайхонтоҳур туманидаги Хувайдо маҳалласига хизмат кўрсатувчи 378-таянч пункти профилактика инспектори Ҳамидулла Ҳусанов. – Чунки давлат томонидан барча зарур шароитлар билан таъминланганмики. Маҳалла фаоллари ҳам осойишталикни сақлаш бўйича қилаётган ишмиизга беминнат ҳисса қўшмоқда. Ишлар тўғри ташкил этилган жойда эса жиноятчиликнинг олдини олиш мумкин. Кейинги икки йилда маҳалламизда бирорта ҳам жиноят содир этилишга йўл қўйилмади. Хувайдон бемалол жиноятдан холи ҳудуд, деб аташ мумкин. Бугунги голиблик эса масъулиятимизга юз қарра масъулият қўшди, борлигимиз билан ишлашга катта рағбат бўлди.

Норгул АБДУРАИМОВА

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан асосий мақсади суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш, қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларнинг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлашдан иборат бўлган "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 11-моддасига мувофиқ қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекинмиш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат раҳбари ўз Фармонида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражали эътиборини мазкур талабларга қатъий ва оғишмай риоя этиш зарурлигига қаратди.

Қайд этилган органлар процессуал қонунчилигини жиддий бузган ҳолда ёки қонуний услублар билан олинган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далиллар сифатида фойдаланишга йўл қўймайлик тўғрисида оғхлан-тирилди. Бундай қонун бузилиши ва рухсат этилмаган услублар орасида, биринчи навбатда, қийноққа солиш, психологик ва жисмоний таъзия, бошқа шафқатсиз, гайринсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала турлари қайд этилган.

Фармон билан Жиноят-процессуал кодексида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, судларда жиноят ишларининг ошқора қўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш таққиланмоқда. Процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган жабранувчи, гувоҳ, гуноҳ қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги таъкидланди.

Қонунчиликда мавжуд бўшлиқни ҳисобга олган ҳолда, шахсни қонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган, ҳужжатлар ва ашёларга била туриб ёлган маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган ҳолатларни кириштириш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатмалар беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далилларни қалбакилаштиришнинг қонуний жавобгарлик қилинмоқда. Шунингдек, ёлгон гувоҳлик ва ёлгон хабар берганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг қатор қўшимча кафолатлари киритилмоқда.

Хусусан, сирдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ушланган шахсга тегишли ваколатли органга келтирилган вақтдан бошлаб 72 соат ичида мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ақрим устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Қийноққа солганлик ҳақидаги аризаларни ўз вақтида ва холисона кўриб чиқиш мақсадида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган услублар қўлланилганлиги тўғрисидаги муносабатларни прокуратура органлари ёки суд томонидан мажбурий текшириш киритилмоқда. Текшириш ўтказишда тиббий экспертиза таяинланмиш шарт.

Асосий процессуал ҳаракатларни мажбурий видео қайд этиш далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга қаратилган муҳим янгиликлардан ҳисобланади. Ўта оғир жиноятлар бўйи-

ча ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, шунингдек, тинтув, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва тергов эксперименти бундай ҳаракатларга киритилди.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтга қадар ҳимоячи далиллар эмас, балки далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ҳуқуқига эга бўлган, бу судда ишларни юритишда тортишув принципи бузилишига олиб келар эди. Шунинг учун, ҳимоячи жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши шарт бўлган далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқи берилди.

Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашнинг қонунийлигини таъминлашда прокурорга муҳим вазифалар юқлиниб, у озодликдан маҳрум қилинган, қамоққа сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий қамоқ қўлланилган шахслардан жиноятлар тўғрисидаги олинган ариза, хабар ва бошқа маълумотларни зудлик билан қайд этиш ва ҳал қилиш ҳақидаги қонун талабларига риоя этилишини мажбурий тарзда текшириши шарт. Шунингдек, прокурорга мазкур шахслар ёки уларнинг яқин қариндошларига психологик ёхуд жисмоний таъсир кўрсатилишига йўл қўймайлик, уларнинг жавобгарликдан озод этилиши юзасидан қалгитилганлиги бўйича чоралар кўриш ҳам юқлинилмоқда.

Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўташ тартибини бузганлик учун маҳкумларга интизомий жазо чораси қўлланилишини қонунийлиги прокурор текшируви билан қамраб олинди. Бу маҳкумлар томонидан қондабузарлик содир этилганлиги баҳонаси билан озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлиши мумкин бўлган суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш имконини беради.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган тегшли қонун лойиҳасида ўз аксини топади.

Қайд этилганлардан ташқари, ваколатли органларга ташкилий характердаги қатор топшириқлар берилмоқда.

Хусусан, тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, махсус қабулхоналар, маъмурий қамоқни ўташ жойларида видеокузатув воситаларини ўрнатиш топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини асосида қонунчиликни ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш услубиётини янада такомиллаштириш, суд-тергов фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, жиноят иши бўйича иш юритувни, жумладан "Электрон жиноят иши" тизимини жорий этиш орқали оптималлаштириш ва соддалаштириш бўйича таққиллар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармонининг амалга оширилиши ҳуқуқини муҳофаза қилувчи ва суд органлари фаолиятида тизимли қонун бузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш имконини беради, шунингдек, суд-тергов фаолиятида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз ва оғишмай риоя қилинишини таъминлайди.

Фаррух ТўРАХОДЖАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди судьяси



ИҚТИДОРЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ ЎҚУВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Сергели туман Халқ таълими бўлими томонидан тумандаги 8-сонли умумтаълим мактабида жорий йилги "Билимлар беллашуви"нинг туман bosқичи ўтказилди.

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган ушбу танловдан мақсад давлат стандартларида белгиланган талабларнинг бажарилиш ҳолатини мунтазам ўрганиб, тахлил қилиб бориш, ўқувчилар билимларидаги бўшлиқларни тўлдириб қораларини кўриш, уларнинг иқтидор, қобилиятларини куйи синфлардан бошлаб ривожлантириб, тизимли равишда халқаро олимпиада ва танловларга тайёрлашдан иборат.

"Билимлар беллашуви"нинг туман bosқичида жами 14 та фандан 860 нафар ўқувчи иштирок этди. Иштирокчиларнинг ишлари 116 нафар ўқитувчидан иборат ҳакамлар ҳайъати таркиби баҳолади. Уч кун давомида иштирокчилар филология йўналишидаги фанлардан 5-6-синфларда диктант, 7-8-синфларда ижодий баён, матн яратиш маҳорати, инглиз тили фанидан тинглаб тушуниш ва ўқиб тушуниш кўникмаси бўйича баҳо олиб борди. Аниқ ва табиий фанлардан ўтказилди.

лан ишлаш ҳамда Давлат ҳуқуқ асослари, тарих, иқтисодий билим асослари фанларидан тест синови топширилди.

– Анъанавий тарзда ўтказиладиган "Билимлар беллашуви" энг аввало, ўқувчилар қобилиятини эрта аниқлаш ва ривожлантириш, уларнинг фанларга қизиқишини кучайтиришга хизмат қилади, – дейди Сергели тумани ХТБ Таълим сифати мониторинг бўлими бош инспектор-методисти Наргиза Сафарова. – Бундан ташқари, халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларида педагогик фаолият самарадорлигини ошириш ҳамда таълим сифати кўрсаткичлари бўйича мактаблар ва худудий халқ таълими бошқарув идораларининг рейтинг ўрнини белгилашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Сергели туманидан "Билимлар беллашуви"да голибликни кўлга киритган 24 нафар ўқувчи ушбу танловнинг Тошкент шаҳар bosқичига йўл олишди. Тошкент шаҳар bosқичи апрель ойининг охирида ўтказилди.

Зарина РУСТАМОВА

МУТАХАССИСЛАРДАН МАҲОРАТ ДАРСИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институтида Япониянинг Осака университети профессори Катсухиро Накамура ҳамда Ўзбекистон Миллий университети доценти Баҳодир Абдуллаев томонидан "XXI аср физикасининг долзарб муаммолари" мавзусида маҳорат дarsi ўтказилди. Унда институтнинг профессор-ўқитувчилари, тингловчи ва курсантлари қатнашдилар.

Машгулотни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти дошлари, юридик фанлар доктори, полковник Нуриддин Нарматов очиб, мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатида ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илмфанга бўлган интилишларини рўйбга чиқариш, олий ўқув юртларида ўқув жараёни сифатини яхшилаш лозимлиги билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилганлигини таъкидлаб ўтди.

Шу муносабат билан бошқа давлатлар каторида, Япониядаги турдош олий таълим ва илмий-тадқиқот марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, 2018 йилнинг сентябрь ойида институт делегациясининг Япония давлатининг Ёнғин хавфсизлиги ва факуллодда вазиятлар Миллий агентлиги, Токио Ёнғин хавфсизлиги департаменти ҳамда мазкур агентлик ва департамент тасарруфидаги таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти билан яқиндан танишиб, улар билан ўзаро ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилганлигини алоҳида эътироф этди.

Бундан ташқари, институт томонидан ўқув жараёнига илгор педагогик технологияларни ҳамда инновацион ёндашувларни жорий этиш мақсади-

да республикамиздаги 15 га яқин етакчи олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик меморандумлари тузилди. Жумладан, 2017 йил 13 июлда Ўзбекистон Миллий университети билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум доирасида ўқитувчилар ҳамда курсантларнинг билим ва малакаларини ошириш бўйича тизимли чоратadbирлар ўтказилаётганлигини таъкидлади.

Мазкур мастер-класс машгулоти давомида профессор Катсухиро Накамура томонидан иштирокчиларга нафақат хоризқ тажрибаси балки, физика фанини ўзлаштиришнинг осон ва интерфаол усуллари ҳамда фани ўрганишда ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш ўргатилди.

Учрашув барчада илиқ таассурот қолдириш билан бир қаторда, курсантлар физика фани бўйича назарий билимларни эгаллаш орқали физик ҳодисалар асосида амалиётдаги ёнғин хавфсизлиги масалаларини ечиш, замонавий техника ва курилмалар билан ишлашда фундаментал билим ва кўникмаларини янада шакллантиришга хизмат қилади.

Курсантларнинг фаоллиги мавзунини янада кенгроқ ёритишга имкон бериб, физика фанининг аҳамияти, ундаги долзарб муаммолар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ГУЛДЕК ОИЛАЛАР БУЗИЛМАСИН

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддасида ота-онанинг вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбурияти белгиланган бўлиб, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюро органларида алимент ундирувлари билан боғлиқ ижро ҳужжатлари асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга қарздор ва ундирувчига давлат ижрочилари томонидан олиб борилган тўғри ҳуқуқий тушунириш тадбирларидан сўнг кўп оилалар ярашиб, яна бир оила бўлиб яшашмоқда. Бу эса гулдек оилаларни бузилмаслигини таъминламоқда.

Жумладан, Бюронинг Яшнобод туман бўлими томонидан 16 та ажрашган оилалар яраштирилди.

Шунингдек, Бюронинг Миробод туман бўлими иш юритишда бўлган алимент ундирувлари билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича ҳам бир нечта оилаларни яраштиришга эришилди. Жумладан, Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2015 йил 21 октябрдаги СБ1-4955-сонли суд буйруғига қўра М.Мухамедовдан ундирувчи У.Мухамедова фойдасига вояга етмаган фарзанди таъминоти учун 1/3 қисм миқдорда алимент ундириш кўрсатилган.

Бундан ташқари, Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2019 йил 6 февралдаги СБ-1-69/19-сонли суд буйруғига асосан И.Садиковдан ундирувчи Д.Садикова фойдасига ҳам вояга етмаган фарзандлари таъминоти учун алимент ундириш кўрсатилган бўлиб ушбу ижро ҳужжати бўйича ундирувчи ва қарздорга давлат ижроси томонидан профилактик тушунириш ҳамда тарғибот ишлари ўтказилиб натижада бу иккала оила ярашиб, яна бир оила бўлиб яшашмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қарздорларга нисбатан суднинг алимент ундириш тўғрисидаги қарорлари мавжуд бўлсада ушбу қарздор ва ундирувчилар суднинг қарорларидан ўзларига тегишли хулосалар чиқариб, ижро ҳаракатлари жараёнида ўзаро келишиб, алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари иш юритишдан тўхтатилган.

Тегишли ташкилотлар томонидан олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида фуқароларнинг муаммолари хал бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Бу эса аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Фуркат ТАДЖИ-АГЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар bosқармаси бўлим катта инспектори

Турмуш чорраҳаларида

ЎЗ БАХТИНИ МЕҲНАТДАН ТОПДИ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, ўтаётган ҳар бир дақиқасининг қадрига етиб, ҳар бир кунига файз қиритиб яшайди. Бироқ яна бир тоифа одамлар борки, улар ўтаётган беҳуда вақтига, умрига ачинмайди ҳам. Ҳатто тўрт мучаси соғ бўла туриб, бирон илмага эга бўлишга ёки бирон-бир касбнинг этагидан тутишга ҳам ярамайди. Мен ана шундай инсонларни ногирон деб атардим.

Баҳор келиб, атроф анвоий гулларга чулганганида бир қизалоқ дунёга келди. Унга ота-онаси гўзал хусн соҳибаси бўлсин дея Зебо деб исм қўйишди. Қизалоқ атак-чечак юра бошлагач, унинг бир оёғининг тиззасидан юқорида нўхатдеккина шиш пайдо бўлди.

Ота-онаси аввалига эътибор беришмади. Бироқ қизалоқ ўша жойини ушлаб йиғлайвергач, уни шифоқорга олиб боришди. Дўхтирлар унга хар хил муолажалар қилиб кўришди. Қизалоқ бир оз тин олган бўлди.

Бир куну бу огрик яна қайталади. Қизалоқ огрикча чидай олмай чиқибди йиғлар, оназори бўлса уни овутолмай ҳалак эди. Яна югур-югур бошланди. Энди уни шифохонага олиб боришди. Кимдир операция қилиш керак деди, яна кимдир жарроҳсиз ҳам даволаса бўлади дейишди.

Хуллас, дўхтирлар бир тўхтамаг келгунча анча вақт ўтди. Сўнгра таваккал қилишдими, уни операция столига ётқизишди.

Она-бола анча вақтгача шифохонада ётишди. Ниҳоят бир куну уларига қайтишди.

Кўп вақт ўтмай ўша оёғи Зебони яна безовта қила бошлади. Энди у бу огрикча чидай олмасдан туналари йиғлаб чиқадиган одат чиқарди. Дўхтирлар Зебони яна операция столига ётқизишди.

Йиллар давомида қизалоқ саккиз мартаба операцияни бошдан ўтказди. Сўнгра уни ўша огрийдиган оёғини шифоқорлар тиззасидан пастини кесиб ташлагача мажбур бўлишди. Бундан Зебо руҳан эзилмади, сиқилмади. "Бу ҳам ҳаётнинг бир синови-да", дея тақдирга тан берди.

Зебо шундай пайтда ҳам мактабдаги ўқишини ташламади. Дугоналаридан ёрдам сўраб, ўтилган хар бир дарсларни ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Қўлтиқ таёқча суяниб, мактабига борди. Устозлари ҳам унга чин дилдан ёрдам беришди. Чунки Зебо жудаям тиришқоқ ва зукко, эҳқили, талабчан қиз эди.

Мактабни тугатгач, барча дугоналари қатори институтга ҳужжатларини топширди. У қатъиятлилик билан имтиҳонларга тайёрларлик кўрди. Фақатгина оилавий шароити но-чор бўлганлиги учун у ҳужжатларини сиртки бўлимга топширганди.

Ниҳоят, барчанинг интиқиби кутган куну етиб келди. Зебо ҳам институт талабаси бўлди. Фақат у шартнома асосида ўқийдиган бўлди.

Зебо энди қандай йўл билан бўлмасин, шартнома пулини топиш учун ҳаракат қилиши лозим эди. У ҳеч кимга огриғили тушишини истамасди.

Болалигида Зебо онасининг ёнига ўтириб олиб, кўгирчоғига турли хил кийимлардан қўйлакчалар тикарди. Кейинчалик эса қишлоғидаги чеварниқига бориб, ундан турли хил кийимларни бичиб-тиқишни ўрганди. Зебо ўзига, сингилларига бемалол қўйлакларни бичиб, тика бошлади. Буну кўрган кўни-кўшилар ҳам энди Зебога олган матоларини кўтариб чиқадиган, турли хил фасонларга қўйлаклар тиктирадиган бўлишди. Шундай қилиб у ҳам қишлоқда "Зебо чевар" номини олди.

Бу хунарни ўргангани унинг жонига аро кирди. У тезда

ўзи ўқиган мактабга бориб, устозларида "Бичиш-тиқиш тўғраги" очиб беришига ёрдам сўради. Мактаб раҳбарияти ҳамда устозлари унинг бу таклифини қўллаб-қувватлади. Унга маош тайинлаб, ўша куннинг ўзидакёк битта синфхона-ни ажратиб беришди. Ҳаттоки тикув машинаси ҳам олиб беришди.

Зебо ҳам дархол ишга киришиб кетди. У мактабдаги барча қизикқан қизларни бу тўғрага жалб қилди. Унинг шоғирдлари кўпайгандан кўпайди.

Зебонинг бир яхши одати бор эди. У хар бир қиладиган ишини олдиндан режалаштириб кўяр, шунга қараб иш турарди. "Режаланинг иши бежоглик" деб шунга айтсалар керакда.

Зебо кўзга яқин, истарали қиз бўлгани учун жуда кўп йиғитлар унинг ногиронлигига ҳам қарамасдан севиб қолишарди. Унга жуда кўп йиғитлар севиғи изхор қилишди. Бироқ у унамади. Чунки у келажакни ўйлаб иш тутди. "Агар мен ҳозир соғлом йиғитга турмушга чиқсам, эртага оилада бирор-бир кўнгилсизлик бўлиб қолса, у албатта, меннинг ногиронлигимни юзимга солиб, дилиمنى огритади. Шунинг учун мен ҳам ўзимга ўхшаган кўнгли яримта инсонга турмушга чиқишим ва уни бахтли қилишим керак", деб ўйларди.

Кўнларнинг бирида унинг таърифини эшитган, ўғлининг бир оёғини тиззасидан йўқ бўлган йиғитнинг онаси уйига совчиликка келди. Ота-онаси йиғит томонини обдон суриштиришди. Кейин икки ёшни учраштиришди.

Кўп вақт ўтмай уларнинг тўйи бўлиб ўтди. Энди Зебо кўпроқ турмуш ўртоғини, яъни қандай қилса унинг оёқлари бутун бўлишини кўп ўйларди.

Излаган имкон топар, деганларидек сўраб-суриштириб Тошкентдаги ногиронлар жамятида ишлайдиган савобта-лаб, кўплаб ногиронларга ёрдам берган Сайёра опани топди. Телефон орқали у Сайёра опага турмуш ўртоғининг оёғига "протез" қўйдиришни келишиб олди. Шунда ҳам у ўзини эмас, балки эрини ўйлади.

"Эркак уйнинг устундир. Аёл минг чиранмасин ўша устунчалик бўлолмайди. Рўзгорнинг юқини кўтариш учун эр-какка, албатта, оёқ керак", деб ўйларди Зебо.

Сайёра опага кўнғироқ қилиб, учрашув жойини белгилаб олишди. Ниҳоят улар учрашди. Сайёра опа уларни "протез" қўл-оёқлар ясаётган Рональд Хонгнинг ҳузурига етаклади.

Кўп вақт ўтмай Зебо эрига "протез" оёқ қўйдирди. Сайёра опа Зебога ҳам "протез" оёқ қўйдирдишн маслаҳат берди. Бироқ Рональд Хонг буну кейинроққа сурди. Чунки Зебо ўша пайтда хомладор эди.

Орадан уч-тўрт ой ўтгач, Зебо ўғиллик бўлди. Уйдаги шароит огирлашиб қолганлиги учун эру хотин туман хоқимига уй сўраб мурожаат қилишди. Хоқим Зебони сўраб-суриштириб, қилган ишларини кўриб, унга тахсин айди ва уларга бир уйнинг қалитини топширди.

Харакатда — баракат дейдилар. Зебо буларнинг барчасига ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги орқали эришди.

Хонбиби ҲИММАТ қизи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Kim oshdi savdo servis" масъулияти чекланган жамяти Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси bosқичма-bosқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

2019 йил 1 май куну соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Хамид Олимжон майдони, 1-5- уйнинг 18-қаватида жойлашган офис биносида ўтказиладиган очик аукцион савдога Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҚҚ Бош bosқармаси 7531-ҳарбий қисмининг 2019 йил 14 мартдаги 20/11-487-рақамли хатига асосан 7531-ҳарбий қисм тасарруфида бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари бозор қийматида алоҳида ЛОТларга бўлинган ҳолда қўйилмоқда:

1. 1997 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 018 SCA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси (техник ҳолати носоз), бошланғич баҳоси: 15 536 730 сўм.

2. 1997 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 023 SCA бўлган "ВАЗ-21053" русумли автотранспорт воситаси (техник ҳолати носоз), бошланғич баҳоси: 3 509 930 сўм.

3. 1994 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 096 SCA бўлган "Опель-Вектра" русумли автотранспорт воситаси (техник ҳолати носоз), бошланғич баҳоси: 16 715 730 сўм.

4. 1992 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 116 SCA бўлган "ГАЗ-3307" русумли автотранспорт воситаси (техник ҳолати носоз), бошланғич баҳоси: 13 502 730 сўм.

5. 1996 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 131 SCA бўлган "ЗИЛ-433112" русумли автотранспорт воситаси (техник ҳолати носоз), бошланғич баҳоси: 15 556 730 сўм.

Ушбу автотранспорт воситалари 2019 йил 1 майдаги очик аукцион савдога сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдо 2019 йил 3, 7, 8 ва 10 май кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу ўтказилажак аукцион савдоларида иштирок этишни хоҳловчи талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни қоридидаги манзилга келиб тақдим этишлари лозим бўлади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар закалат шартномасини тузиб, "Kim oshdi savdo servis" масъулияти чекланган жамяти Тошкент шаҳар филиали ҳисоб рақамига камида 50 (элик) фоиз закалат пули тўлаган ҳолда закалат пули тўғрисида келишув битими тузиб рўйхатдан ўтишлари шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов тўланади. Очик аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабнома ва ҳужжатларини қабул қилиш савдо бошланғичдан 1 (бир) кун олдин соат 17.00 дан тўхтатилади. Ҳисоб рақами: 20208000004959643001. АТИБ "Ипотека-банк" Тинчлик филиали. МФО 00580. СТИР 302221689.

Савдо голибига савдо кундан бошлаб 5 (беш) кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

Телефон: (+998 71) 237-28-40, www.koss.uz
Гувоҳнома №4621.
Хизматлар лицензияланган

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Юнусобод тумани 7-даҳаси, 24-уй, 34-хонадон Ахтаж Ибраҳим номига берилган кадастр ҳужжатлари ва бино-иншоотга 04.11.2008 йилда берилган ТАН 0661371 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент ш., Олмазор тумани, Байроқ тол кўчаси, 70-уй эгаси Алимбекова Махлуба Муратовна номига Олмазор туман кадастри хизмати томонидан берилган уй план қаддаст ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Тинчлик кўчаси, 33-уй учун Умаров Қабул Артикавич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицей томонидан 2005 йилда Галгай Станислав Павлович номига берилган L № 016506 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани ТСРҲИ томонидан 2011 йил 23 августдаги 005407-05-сон реестр рақами билан рўйхатга олинган "HABIBA HAVAS" (СТИР 302086041) ХКнинг почта манзили Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 2-уйда жойлашган таъсисчининг қарорига асосан
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар +99890 933-70-62 телефон рақами орқали икки ой ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 23.06.2008 йилда № 003891-11 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "KARSHER AREND" ХК (СТИР 300870864) таъсисчининг 26.03.2019 йилдаги қарорига асосан
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида Яққасарой тумани, Занжирбоғ кўчаси, 44-уй манзилида қабул қилинади.

"ТОШКЕНТ ОКШОМИ" ВА "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куну соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

